



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 9 апрель, № 70 (7300)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ВА САМАРАЛИ ЎЗЛАШТИРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЯНГИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 апрель куни жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилишини таҳлил қилиш, биринчи ярим йилликка доир вазифаларни белгилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Кейинги йилларда вазирлар ва тармоқлар раҳбарлари худудларга юборилиб, жойларда янги корхоналар ва доимий иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди. Инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кўплаб имтиёз ва энгилликлар жорий этилди.

Хорижий давлатлар ва халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари, жаҳоннинг етакчи ишбилармонлари билан музокаралар ўтказилиб, мамлакатимизга бир неча ўн миллиард доллар инвестиция жалб этиш бўйича 700 га яқин инвестиция битимлари имзоланди.

Бундай чора-тадбирлар натижаси ўсиш суръатларида кўзга ташланмоқда. Хусусан, ўтган йилги асосий капиталга инвестициялар ҳажми 18 фоиздан зиёд ўсган. Бу, ўз навбатида, sanoat ишлаб чиқаришининг 14,4 фоизга кўпайишини таъминлади.

Мухим сифат ўзгариши шундаки, илгари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида худудий лойиҳалар деярли бўлмаган бўлса, жорий йилда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг ярми худудлар ҳиссасига тўғри келади.

2019 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, жами 3 минг 200 дан зиёд инвестиция лойиҳалари доирасида қарийб 14 миллиард доллар мқдордаги капитал кўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилган. Шундан 4 миллиард доллардан ортиқ тўғридан-тўғри

хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

Йиғилишда мазкур инвестиция лойиҳалари тармоқлар ва худудлар кесимида таҳлил қилиниб, олиб борилаётган ишлар юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди. Муддатидан кечикаётган лойиҳаларнинг муаммолари жиҳатдан муҳокама қилинди.

Биринчи чорақда белгиланган маблағлар ўзлаштирилган бўлса-да, айрим тармоқлар ва худудларда иш қониксиз экани кўрсатиб ўтилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Узавтосаноат", "Узарттеханоатхолдинг" акциядорлик жамиятлари, "Узэлтеханоат" уюшмаси раҳбарлари, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимларининг инвестиция бўйича ўринбосарлари оғохлантирилди.

Давлатимиз раҳбари инвестицияларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш учун янги назорат тизimini жорий этишни тақлиф қилди. Унга кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги барча лойиҳалар тўрт рўйхатга бўлиниб, алоҳида ва изчил назорат қилиб борилади.

Биринчи рўйхатга жорий йилда 3,6 миллиард доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши мўлжалланган 27 та энг муҳим стратегик лойиҳа киритилади ва у Президентнинг доимий назоратида бўлади.

Иккинчи рўйхат шу йили 1,3 миллиард доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилаётган 65 та йирик

лоийҳадан иборат бўлиб, уни Бош вазир назорат қилиб боради.

Бош вазир ўринбосарлари назорат қилаётган учинчи рўйхатга 407 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган 65 та лойиҳа киритилади.

Тўртинчи рўйхатдаги лойиҳаларни худудларга бириктирилган марказий идоралар раҳбарлари ва ҳокимлар назорат қилади.

Инвестициявий лойиҳалар ижроси доимий равишда муҳокама қилиниб, муаммолар тезкорлик билан ҳал этиб борилади.

Президент тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш борасида имкониятлар тўлиқ ишга солинганга эътибор қаратиб, тармоқлар ва худудларда оид янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тармоқ вазирликлари билан биргаликда нефть-газ, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, машинасозлик, электр техникаси соҳаларида, шунингдек, худудларда мавжуд салоҳият ва ресурслардан келиб чиқиб, ҳар бир туман ва шаҳар бўйича қўшма инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шақланган худудларда ушбу тақлифлар асосида мамлакатимизнинг энгчиноналари билан биргаликда юртимиз ва хорижда бизнес-форумлар ташкил қилиш, маҳаллий инвесторларнинг мақсадли тақдиротларини ўтказиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон билан ишлаш истagini билдирган хорижий инвесторлар билан муштаҳам алоқа ўрнатиб, лойиҳанинг бошидан охиригача уларга ёрдам бериш, оддий қилиб айтганда, уларни "қўлдан етаклаб" натижани таъминлаш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда Тошкент шаҳрига сармоя жалб этишни кенгайтириш, инвестиция лойиҳалари учун ер участкалари ва давлат мулки объектлари бериш борасидаги ишлар ҳам муҳокама қилинди. Пойтахтимиз тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича барчага ўрнатилган лозимлиги таъкидланди.

Худудлар ва тармоқларда лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, юзага келган муаммоларни тезкор аниқлаб, ҳал этиш бўйича электрон ахборот тизimini қисқа муддатда ишга тушириш зарурлиги қайд этилди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги ишлар таҳлил қилинар экан, ижтимоий соҳалардаги лойиҳалар аҳоли турмуши учун муҳимлиги, улар ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши кераклиги таъкидланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 4 та, Сув ҳўжалиги вазирлигида 2 та, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигида 3 та лойиҳа бўйича ишлар кечикаётгани кўрсатиб ўтилди.

Бундай лойиҳаларни мувофиқлаштиришни тақомиллаштириш учун Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Исломот тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси каби халқаро молия институтлари билан бевосита ишлайдиган вазирлик ва идоралар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида олиёй даражадаги таширлар якунига кўра тасдиқланган "йўл хариталари" ижросига ҳам эътибор қаратилди.

Маълумки, улар доирасида 700 га яқин инвестиция битимлари имзоланган. Ҳисоб палатаси томонидан келишувларнинг маълумотлар базаси яратилган, уларнинг ижроси бўйича мониторинг ва назорат ўрнатилган.

Президентимиз "йўл хариталари"даги чора-тадбирларни тез ва изчил амалга ошириш, бу борада ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини жонлантириш зарурлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасига ҳар бир давлат билан ҳамкорлик йўналишларининг асосий хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳукуматлараро комиссиялар таркибини қайта қўриб чиқиш вазифаси қўйилди.

Кейинги йилдан бошлаб инвестиция дастурлари уч йиллик қилиб шакллантирилиши, барча тармоқлар ва худудлар бунга тайёргарликни бугундан бошлаш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ў.А.

ДУНЁ НИГОҲИ

«Фольклор санъати миллий ўзликнинг узвий қисмидир»

Термиз шаҳрида кўтаринкилик билан давом этаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали халқаро медиа маконда муҳим янгиликлардан бири бўлиб турибди.



Жумладан, Хитойнинг "Жэньминь Жибао" газетасида фестиваль жараёни билан ўқувчилар таништирилган экан, унда Ўзбекистон ва хорижлик фольклоршунос олимлар, бахшилар, жиров ва оқинлар, санъаткорлар, ушбу санъат илосмондари ҳамда жаҳоннинг кўплаб давлатларидан меҳмонлар иштирок этаётгани маълум қилинади. "Республиканинг турли худудлари ва Сурхондарё вилояти туманларидан келётган муҳлислар ҳам фестивал тадбирларида фаол қатнашмоқда. Айниқса, анжуман доирасида ташкил этилган этнографик шаҳарчалар хорижликларда катта қизиқиш унғотаётди".

Хитойлик журналистларнинг ёзишича, миллий хунармандчилик буюмлари, тасвирий санъат кўргазмалари, янги чоп этилган китоблар тақдими томонларга Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва замонавий тараққиёти билан танишиш имконини берди. Вилоят худудидаги муқаддас қадимжолар, тарихий обидалар ва бошқа диққатга сазовор жойларга уштурулган саёхатлар эса анжуманнинг янада мазмунли бўлишини таъминлади.



Россиянинг "Regnum" ахборот агентлиги мўхбирлари бахшичилик фестивали дунёда илк бор Ўзбекистонда ўтказилаётганига эътибор қаратади. Ушбу санъатнинг юртимизда ривожланиши ҳақида маълумот берар экан, ўзбек заминида дostonчилик анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланганини таъкидлайди. Биринчиси, Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Нарпай, Шеробод дostonчилик мактаблари бўлиб, унда дўмбира чертиб яққа холда, бўғиз овоз билан қуйланган. Иккинчиси, Хоразмда тор, дутор, гижжак, гармон, буламон, қўшнай, доира жўрлигида баъзан яққа, баъзан жуфт холда, очик овозда ижро этилган. Учинчиси эса Фарғона водийсида дутор жўрлигида очик овозда айтилган. Ушбу мактабларнинг айримлари ўз фаолиятини тўқтатган, баъзилари эса йўқолиб кетиш арафасида турган бир пайтда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Термиз шаҳрида бахшилар мактаби ташкил қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад истеъдодли ёшларни кашф этиш ва тарбиялаш, навқирон авлодни халқ оғзаки ижодининг ноёб ва бой хазинаси билан яқиндан таништириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.



Маҳалла — демократия кўзгуси

Сайлов яқин, тайёргарлик ишлари эса суст. Нега?

Пойтахтимизда фуқаролар йиғинлари раислари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловни ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари оқсоқоллар лавозимларига тавсия этилаётган номзодларни саралаб олишга кўмаклашувчи минтақавий республика ишчи гуруҳлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш тўғрисида ахборотни тақдим этди.

Бундан ташқари, йиғилишда жорий йил май ойида бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ижроси масалалари муҳокама этилди.

Масъуллар томонидан оқсоқоллар сайловини очик-ошкора, шаффоф ва адолатли ўтказиш бўйича ҳукумат даражасида аниқ вазифалар белгилаб олинди. 7 та минтақавий ишчи гуруҳи тузилгани, сайловни ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссиясининг аъзолари худудларга амалий ёрдам кўрсатиш учун бириктирилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, сайловни ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашувчи 214 та худудий комиссия, ишчи гуруҳлар бугунги кунда сайловни юксак даражада ўтказиш учун муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шу кунга қадар маҳаллаларда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтиришга қаратилган 26 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Республика комиссияси ташаббуси билан мамлакат бўйича 11 минг нафардан зиёд сайлов ташкилотчилари учун минтақавий семинар-тренинглар уюштирилди. Маҳаллалар кесимида сайлов ҳуқуқига эга бўлган 20 миллион 812 минг нафардан зиёд фуқаролар рўйхати шакллантирилди.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик кўриш жараёнини тизимли равишда ёритиб бормоқда. Теле ва радиоканалларда, босма ҳамда интернет нашрларида мавзуга оид 2 мингдан зиёд материаллар эълон қилинди. Тегишли тадбирлар амалга оширилганига қарама-қарши, айрим мутасаддиларнинг сусткашлиги, масъулиятсизлиги сабабли мамлакатимиз фуқаролари учун муҳим ҳисобланган тадбирга тайёргарлик кўришда камчиликлар мавжудлиги йиғилишда қайд этилди.

➡ 2

Халқ ижодиёти — ўтмишдан келажакка садо



Халқаро бахшичилик санъати фестивали муносабати билан Термиз шаҳри жаҳоннинг турли қитъаларидан келган халқ оғзаки ижодиёти ижрочилари, дoston айтувчилар ва бу санъат турини илмий жиҳатдан ўрганаётган олимлар, нуфузли меҳмон ва сайёҳларга мезбонлик қилаяпти. Шунингдек, ушбу санъат анжуманидан баҳра олиш учун Сурхондарё вилоятининг шаҳару туманлари ҳамда мамлакатимизнинг турли худудларидан кўплаб санъат илосмондари ташриф буюришмоқда.

этишган бўлиб, ушбу рамзий қўрғонлар тадбирига алоҳида шукўҳ бағишлайётир.

— Қашқадарё вилояти делегацияси таркибиде халқ хунармандчилигининг турли йўналишларида фаолият олиб бораётган 16 нафар уста бор, — дейди қашқадарёлик хунарманд Дамин Маматов. — Бу ерда Қашқадарё воҳаси ҳаёти, хусусан, олис кишлоқ-овулларда яшовчи чорвадорлар, хунармандлар, деҳқонлар, қўйинги, турли касбкор билан шуғулланувчи одамлар-

нинг кундалик турмуш тарзини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этилган. 15 та миллий ўтовнинг ҳар бири маълум бир худуд ҳаётига бағишланган бўлиб, уй-рўзгор буюмларидан тортиб, санъат асаригача ҳамма-ҳаммаси тартиб билан жойлаштирилган. 10 нафардан ортиқ бахшиларимиз ҳам ўз ижодлари билан барчани манзур этишяпти. Буларнинг бари фестивал иштирокчиларида воҳамиз ҳақида бой таассуротлар уйғотмоқда.

➡ 4

Бугун — Амир Темур таваллуд топган кун

Ҳайрат ва маърифат манзили

Мамлакатимизга сайёҳлар оқими кўпайгани музейлар фаолияти ва иш кўламининг ошишига сабаб бўлмоқда. Теурийлар тарихи Давлат музейи ана шундай масканлардан биридир.



Тарихдан сўз очиб, ноёб экспонатлари билан ҳайратимизни оширадиган мазкур гўшага сайёҳлар ва томошабинлар ташрифи бугун янада ортган. Сабаби маълум: улўф бобомиз ҳаёти ва фаолияти, жангномалари, маърифати ва ниҳоят, саркардалиқ қилган даврларни эслаш, хабардор бўлиш, янги экспонатлар билан танишиш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги қадимий ёдгорликлардан дарак берувчи гўзал альбомларнинг чиройли муқоваларда чоп этилиши ҳамда музей экспонатлари қаторидан ўрин олиши кейинги йилларда амалга оширилган эзгу сайёҳ-ҳаракатлардан саналади.

➡ 3

Бугун — Амир Темур таваллуд топган кун

НОЁБ ТАРИХИЙ МАНБА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбек давлатчилигининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган буюқ давлат арбоби, саркарда, соҳибқирон Амир Темур бобоимиз таваллудининг 683 йиллигига бағишлаб, "Темур тузуқлари" — Ўзбек давлатчилиги тарихи бўйича муҳим манба мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

Парламент қўйи палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан ўтказилган тадбирда қайд этилганидек, ноёб тарихий манба — "Темур тузуқлари"ни, умуман, китобхонликини кенг тарғиб қилиш, маърифий, ижтимоий мавзулардаги адабиётларнинг мазмун-моҳиятини навиқрон авлодга етказиш жуда муҳимдир.

— "Темур тузуқлари" катта илмий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, давлат ва жамият бошқаруви тизими учун ёш кадрларни тайёрлашда ўзига хос йўриқнома ҳисобланади, — дейди Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси Қозим Тожиёв. — Унда давлат ишларида амал қилганидан муҳим қоидалар — кенгаш, машварат маслаҳат, қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик, эҳтиёткорлик ҳақида алоҳида айтиб ўтилган. Хусусан, азви қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир, дейилган тузуқларда.

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари ҳам "Темур тузуқлари"дан ўрин олганки, бу Амир Темур томонидан халқларвар сиёсат олиб бориладигани ифодалади. Буюқ саркарданинг ҳарбий соҳада амалга оширган ислохотлари, юртни обод қилиш, илм-фан ҳамда маданиятни ривожлантириш, адолат ўрнатиш йўлидаги хизматлари давлатчилигини мустақкамлашда катта ўрин тутди.

Давра суҳбатида Темурийлар тарихи Давлат музейи ва "Темурбеклар мактаби" фаолияти, соҳибқирон бобоимиз даврига оид қўлёзмалар ва ёзма манбалар фонди, илмий тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Яқунда "Темур тузуқлари" ёш авлод учун катта тажриба манбаи экани, уни ўқиб-ўрганиш, Амир Темур ўғитлариға амал қилиш зарурлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, бу борадаги тарғибот ишларини интерфано усулларида янада кучайтириш бўйича келишиб олинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

— Темурийлар тарихи Давлат музейиға ташриф буюрувчилар сезиларли даражада ошди, — дейди Амир Темур халқро хайрия жамоат фонди маънавият бўлими бошлиғи Илҳомжон Назаржон ўғли. — Бу айрим давлатлар, жумладан, қўшни республикалар ўртасида яқин дўстлик муносабатларининг қайта ўрнатилгани ва виза режими енгиллаштирилгани билан ҳам боғлиқ. Музейимизга Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистондан турли делегацияларнинг тез-тез келаётгани шундай дейишимизга асос бўлади. Музейиға қадам қўяётганларнинг кўпи — талабалар.



Собир ҲАҚИМЖОН ИҲТИДОШЕВ олган суратлар.

Ҳайрат ва маърифат манзили

— Темурийлар тарихи Давлат музейи биз учун ўзига хос дарсонга, илм маскандидир, — дея ўз ташрифини изоҳлайди Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Комрон Эломов. — Биринчи бор бу ерга абитуриентлигимда келганман. Соҳибқирон ҳақида ўқиганларим, тасаввурларим анча кенгайган, жонланган. Энди эса кўргазмага қўйилган жиҳозлар яна кўпайибди, бойибди. Мени Амир Темурнинг шажараси

қизиқтиради. Бу ерда улуг бобоимиз шажараси билан кенгроқ таърифим, билим ва тасаввурим янада бойибди. Яна бир талаба соҳибқирон давридаги иншоотлар тарихи билан қизиқишини билдирди. Ўзини Мадина Самиева, деб таништирган қиз Шахрисабздаги Оқсарой ансамбли асли қандай бўлганини тасаввур қилолмагани, бугун келиб, янги полотно — М. Холов мўйқаламига мансуб "Оқсарой"

рангтавсир ишидан қойил қолганини изҳор этди. Бу сурат бутун бир сарой, каттақон қалъа тасаввурини беради. Миллий гвардия Ҳарбий-техника институти ўқитувчиси, юридик фахрлар номзоиди, доцент Шерзод Зулфқороннинг таъкидлашича, Амир Темур бобоимизнинг бутун Осиё ва Фарб, Европага юришлари, жанг усуллари, ҳарбий сиёсати, ишлаган қуроллари, эгаллаган юртларда ўрнатган одило-

на сиёсати биз ва бугунги талабалар, жумладан, "Темурбеклар мактаби" ўқувчилари учун гоат қизиқарли. Шу боис ёшлар ва ўзимиз ҳам тез-тез музейиға келиб тураимиз. Ахир бу маскан ҳар биримиз учун маърифат ўчоғидир.

Соҳибқирон кўтарган улкан тош

Хўжа Илғорда шу каби кўплаб ноёб ёдгорликлар борлигини биласизми?

Хозирги Яккабоғ туманидаги Хўжа Илғор қишлоғи соҳибқирон таваллуд топган тарихий маскандир. Кейинги йилларда ушбу гўшада буюқ саркарданинг таваллуд кунини кенг нишонланаётгани, ҳудуд ободонлаштирилиб, турли анжуманлар, сайр ва саёҳатлар уюштириш аъёнанага айлангани дунё сайёҳлари оқимининг бир ирмоғини Амир Темур боғалиғи ўтган ушбу манзилгоҳ билан туташтирмақда.

Туристларни маъзур заминга етказиётган яна бир омил Хўжа Илғорда Амир Темур билан боғлиқ ёдгорликларнинг бугунги кунгача сақланаётганидир. Жумладан, ҳар йили минглаб сайёҳлар соҳибқирон ҳаёти билан боғлиқ осориатикалар, у ёшлиғида кўтарган "Полвонтош", ўша даврларда қурилган масжид меҳробини ва ҳудудда ўсаётган қадимий тут дарактлари, Амир Темур ғори, маҳаллий аҳоли хонадонларида сақлаб қелинаётган қадимий буюмлар ва бошқа қатор

ноёб ёдгорликларни кўриш учун шу ерга интилади. Маҳаллий аҳоли орасида Амир Темур туғилиши билан боғлиқ кўплаб ривоятлар тарқалган. Улардан бири — соҳибқироннинг кўнча қудуқ ёнида дунёга келиши ҳақида. Унда келтирилишича, Теғинабегим (айрим манбаларда Тақина хотун) туғилажак фарзанди тақдирдан қайғуриб, қамишзорлар оша ўша қудуқ ёнига келади. Чунки башоратларда ҳар 800 йилда соҳибқирон дунёга келиши

ва у жаҳонгир бўлиши айтилган экан. Шу сабабли ганимлар томонидан Кешда янги туғилган гўдақлар қилидан ўтказила бошланган. Булажак соҳибқироннинг онаси шу ерда шитоё билан келаётган душман назаридан яширилади ва боласини дунёга келтиради. Бу бир афсона, албатта. Аммо халқ ичида тилдан-тилга кўчиб келадиган ҳар қандай ривоятда, оз бўлса-да, ҳақиқат учқуни бўлади. Мухими, қадимий хариталарга таъйиб топилган маъзур сув иншооти бугунги кунда тикланиб, қизиқувчиларни ўзига чорлаб турибди. — Амир Темур хотираси халқимизнинг тарихий хотирасига айланган ва асрлар оша яшаб келяпти, — дейди Қарши давлат университети профессор, тарихчи олим

Абдурахим Эрқаев. — Буни бутун дунё билади. Лекин Амир Темурни ўрганиш қарийб етти асрдан буюн давом этаётган бўлса, ҳар сафар янги-янги қирралари очилиб бораверади. Жумладан, бугунги кунда буюқ саркарда туғилган жой — Хўжа Илғорда унинг ҳаёти билан боғлиқ кўплаб ёдгорликлар топилиб, обод этиляпти. Бу эса Шахрисабзани бутун дунё сайёҳларини қизиқтирадиган туризм масканига айлантириш имконини бermoқда.

Дарҳақиқат, ўзбек халқиға ва бутун инсониятға Амир Темурдек буюқ зотни етказиб берган Шахрисабз бугун мамлакатимизнинг тарихий, маънавий-маданий ва туризм марказларидан бири сифатида темурийлар меросини ўрганувчи, асровчи ҳамда авлодларға етказувчи шаҳар вази-

фасини ўтаёттир. Хўжа Илғорда хозирги вақтда катта қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. 6 гектарлик Амир Темур боғи кўкаламзорлаштирилиб, соҳибқирон ҳаёти билан боғлиқ экспонатлардан иборат музей ташкил этилди. Унда соҳибқирон ва унинг даври маиший ҳаёти ҳамда Урта асрлар аъёнанавий хонадонини ифода этувчи хоналар бор.

Хўжа Илғор қабристони ҳудудида қолдиқлари топилган масжид тикланмоқда. Айни кунларда Хўжа Илғорда соҳибқирон таваллудининг 683 йиллиғи муносабати билан ўтказилаётган тадбирларни дунёнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар катта қизиқиш ва эътибор билан кузатаёттир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

Медиа-тур

Имтиёз фаолият қўламини кенгайтирмоқда

— "Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси билан ҳамкорликда ишлаяпмиз, — дейди "Камалак шабнам текс" масъулияти чекланган жамияти бош иқтисодчиси Зокиржон Одилов. — Корхонамиз ISO 2009 ва ISO 2015 сифат менежменти тизими жорий қилинганни тасдиқловчи сертификатларға эға. Имтиёзлардан фойдаланяпмиз. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12 декабрдаги тегишли қарори асосида декларация йўли билан мувофиқлик сертификати олдик. Бу вақтни тежайди, ҳар йилда бир марта ўтказиладиган инспекцион назоратға зарурат қолдирмайди. Жорий йилда экспорт ҳажмининг 3 миллион АҚШ долларига етказиш ниятидаимиз.

"Ўзстандарт" агентлиғи томонидан Бухорода ўтказилган медиа-турда журналистлар "Аслбек трейдинг сервис", "Табиат неъматини", "Гранд Бухоро агро" сингари тадбиркорлик субъектлари қатори маъзур корхонада ҳам бўлиб, ҳамкорликдаги ишлар натижалари билан танишдилар. "Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси раҳбари Абдурахмон Мухтороннинг таъкидлашича, жорий йилнинг ўтган даврида 45 та корхонаға сифат тизими жорий этилди. 1624 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. 5 та ҳолатда махсуслотлар яроқсиз, деб топилди. Марказда республикамизда ягона саналган кимё махсуслотлари-

ни синаш халқро лабораторияси ишлаб турибди. Бир қатор туманларда аҳоли хонадонларида ўрнатилган газ, электр ва сув ўлчагичлари давлат қиёслово қуригидан ўтказишға қабул қилладиган шохобчалар фаолияти йўлга қўйилди. Зиёрат туризмини ривожлантиришға қаратилган "Халол" стандартини, қишлоқ ҳўжалиғиға ихтисослаштирилган корхоналар учун "GLOBAL G.A.P." тизимини жорий этиш учун амалий ишлар олиб боришмоқда.

Медиа-турда марказ лабораториялари фаолияти билан ҳам танишилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларға жавоб олдилар.

Истом ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Божхона хабарлари

Учувчисиз аппарат тўхтатиб қолинди

"Сирдарё" чегара боғхона пости орқали қўшни Қозоғистондан пийда қилиб келган фуқаро С. С. хорижда ишлаб чиқарилган, қиймати 3,5 миллион сўмлик 1 дона учувчисиз учини аппарати (дрон)ни олиб тўмқочи бўлди ва қўлга тушди.

Сифатига кафолат йўқ

Янгиер — Тошкент йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган юртдошимиз А. Х. бошқарувидаги енгил автомашина кўздан кечирилганда, ҳеч қандай ҳужжатларсиз, сифати кафолатланмаган 18 миллион сўмлик 6000 дона "Orbit" сақичлари борлиғи аниқланди. Маъзур ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб боришмоқда.

Анвар ҚОРАБОЕВ, Сирдарё вилоти боғхона бошқармаси инспектори.

Меҳрибонлик уйдан кейинги САРГАРДОНЛИК



Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳақида матбуотда кўп ёзилади. Болаларнинг бу тоифаси ҳақида эшитибко, кўпчилигимизда ачиниш ҳисси пайдо бўлиши ҳам табиий ҳол. Бундай муассасалар тўлиқ давлат таъминотида, бундан ташқари, ҳомишлар, сахарватпеша инсонлар ўз ёрдамини аямайдилар. Бугун деярли барча Меҳрибонлик уйларида яхши шароитлар мавжудки, уларни кўриб, давлатимизнинг бу борадаги эътибор ва ғамхўрлигини яққол ҳис қиласан, киши. Хўш, ушбу маскан тарбияланувчиларининг мустақил ҳаётға йўл олганидан кейинги тақдирини қандай кечадди? Уларнинг барчаси турмуш сўқмоқларида қоқилмай, жамиятда ўз ўрнини топиб кетяптими?

Таассуф

Тўғриси, ҳозирча бу саволлар ҳусусида мутасаддилар унчалик бош қотирмаётган кўринади. Ҳар ҳолда Меҳрибонлик уйлариининг айрим собиқ битирувчилари ҳаёти билан танишувиимиз шундай тўхтама қелишга ундади. Лайло Жуманиёзова Хива шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси"да тарбияланди. Зехни ўткир ва ажир қизалоқ қичкина-лигидан спортға ошно бўлди. Йиллар ўтиб, муайтай бўйича мамлакат чемпиони бўлишға эришди. Коллежни тугатган, бир йилгити учратиб, севиб турмуш қурди. Пешона экан, оила кўргони дарз кетди. Лайлонинг ўзи етимликда ўсгани етмаганидек икки нафар фарзанди ҳам тақдирнинг шундай синовига рўбарў бўлди. Ёлғиз она хозир фарзандлари билан Урганч шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси"нинг битирувчилари учун ажратилган умумий ётоқхонада яшапти.

— Эмициячи чақалогим билан бирон жойда ишлашға имконини йўқ, болалар боғчасиға эса уни уч ёшға тўлмаганча қабул қилишмайди, — дейди Лайло. — Ёлғиз она сифатида бола парвариши учун нафақа пули ва моддий ёрдам ажратилишини сўраб, маҳалла фуқаролар йилғиниға, шаҳар ҳокимлиғиға бир неча бор мурожаат қилдим. Қайси эшикка бош уриб бормай, рад жавобини олавердим. Сабаби биз умумий ётоқхонада вақтинчалик рўйхатда тураимиз. Нафақа ва моддий ёрдам фуқароларға доимий яшаш жойи бўйича тайинланар экан. Бизнинг доимий рўйхатда туриш-

га уй-жойимиз бўлмасди, ҳеч қаерда ишламасам, фарзандларимни қандай боқаман? Бугун катта фарзандим икки ёшға тўлди. Туғилган кунида унга энг арзон ширинликни олиб беришға ҳам имконим йўқ. Ётоқхонамиз табиий газ тармоғидан узиб қўйилган, электр плитада овқат тайёрлаймиз, хонани иситамиз. Қарздорлик охиб кетгани учун Мағжбурий ижро бюросидан келиб, электр тармоғидан ҳам узиш тўғрисида оғохлантириш бериб кетишимди. Эртаги чироксиз, озик-овқатсиз, пулсиз ҳолимиз нима кечинини ўйлаб, қарахт аҳволдаман. Тоҳир Ражабов ҳам Хивадаги "Болалар шаҳарчаси" битирувчиларидан бири. Ойлали, икки нафар фарзанди бор. Ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам ишсиз. Ўз бизнесини йўлга қўйиб, пешона тери эвазига толган даромадиға рўзгорини тебратилиши мақсад қилиб, Урганч шаҳар ҳокимлиғиға устакхона қуриш учун ер участкаси ажратилиш мақсадидан қўйиб қўйди. Мутасаддиларға коллежни тамомлагани, ишсиз эканлиғи, уй-жойи йўқлиғи, оилавий аҳволини тушунтирди. Анча сарф-харажат қилиб зарур ҳужжатларни ҳам тайёрлади. Аммо ҳокимлик биносидан чиройли ваъдалар билан чиққан Тоҳирнинг ниятлари амалға ошмади, муаммолари йиллар ўтса-да, барҳам топмади. Ҳафсаласи пир бўлган йилгити кўчада дуч келган мардикорлик ишларини қилиб юрибди.

Бола парвариши учун нафақа олиш муаммоси "Болалар шаҳарчаси"нинг кўпчилиқ битирувчиларини йиллар мобайнида қийнаб келаётгани боис масалаға оиддинки киритиш мақсадида Урганч шаҳар молия бўлими мутасаддиларига мурожаат этдик. Маълум бўлишича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшға-ча болалари бўлган оилаларға нафақа, бола икки ёшға тўлганча қадр бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларға моддий ёрдам Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларға ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби

тўғрисида"ги Низомға асосан ажратилади. Маъзур Низомнинг 12-бандида эса болали оилаларға нафақа ва моддий ёрдам, шунингдек, бола парварининг доимий яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи бўйича тайинлашнинг белгиланган. Хўп, ҳуқуқий жиҳатдан мутасаддиларнинг хатти-ҳаракатлари тўғри, аммо инсонийлик нўқтаи назардан ёндашсак, шундоқ ҳам кўнгли ўқисик, оғир ижтимоий вазиятда қолган оилалиқларнинг ҳақлари қандай ҳисобланади? Бундан ташқари, болаларнинг ҳаётини яхшироқ қилиш мақсадида ушбу Низом талабларига ўзгартириш киритиш ташаббуси йўқ? Ахир ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзгартириш қилиш мумкин-ку. Аслида уйма-уй юриб, халқ билан мулоқот қилишдан мақсад ана шундай муаммоларға ечим топиш эмасми? Давлатимиз раҳбари яқинда Бухоро вилотиға фозилар билан учрашувда, қарсақлар, баландпарвоз гапларға чек қўйиб, ҳар бир

хонадон, шахс билан манзилли, алоҳида-алоҳида ишлаш зарурлигини беҳиз таъкидламади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 февралдаги "Етим болалар ва ота-онасининг қарамлидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиши кучайтиришға оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида етим болалар ва ота-онасининг қарамлидан маҳрум бўлган болаларға уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг дастлабки бадалли Узбекистон ёшлар иттифоқи жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу ташкилот зиммасиға тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва

ота-онасининг қарамлидан маҳрум бўлган болаларнинг ишға жойлаштиришға кўмаклашиш ҳамда бу борада тизимли мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилган. Афсуски, Ёшлар иттифоқининг вилот кенгаши масъуллари ушбу қарор моҳиятидан беҳабар кўринади. Акс ҳолда, умид билан оstonасиға бош уриб болган, оғир ижтимоий аҳволда қолган ёлғиз онанинг қайта-қайта мурожаатлариға қулоқ тутган, умумий ётоқхонадаги ёшлар муаммоларига "Ўзинг учун ўл етим" қабилида муносабатда бўлмаган бўларди. Ёшлар иттифоқининг асосий вазифаларидан бири мана шундай уюшмаган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ижтимоий фаолигини оширишдан иборат эмасми?! Юқорида таъкидланган қарорда ота-онасининг қарамлидан маҳрум бўлган ҳамда етим болаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг тураржой шароитларини яхшилаш мақсадида 2020 йилдан бошлаб арзон кўп квартиралли уйлари қуриш ва уларға имтиёзли ипотека кредити асосида бериш кўзда тутилган. Демак, Лайло, Тоҳир сингари ёшлар ўзлари орзу қилган қулай ва шинам уйларға эға бўладиган қувончли кунлар қарор.

Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»). Мўаллиф олган суратлар.



Халқ ижодиёти — ўтмишдан келажакка садо

ДУНЁ НИГОҶИ

«Фольклор санъати миллий ўзликнинг узвий қисмидир»

Марғилон ва Кўкон шаҳарлари мамлакатимизнинг халқ хунармандчилиги ривожланган марказларидан саналади. Шунингдек, бу гўзал манзиллар илму урфон, санъат ва маданият кенг ривож топганлиги билан ҳам ном қозонган. Фарғона вилояти павильонидан водийнинг ана шундай маданий қиёфаси ранг-баранг кўринишида намойиш бўлмоқда. Бир тарафда хунармандлар расталари, яна бир томонда дорбозлар ҳамда бадий жамоалар жой олган. Фарғонача лутф, меҳмоннавозлик фестивал қатнашчилари эътиборини ўзига тортаётди. Катта ашула, мумтоз кўшиқлар, шўх ўлану лапарлар бу ерга йиғилганларга хушнудлик улашяпти.

— Мен Валиевлар сулоласи-

нинг тўртинчи авлодидан, — дейди марғилонлик уста-хунарманд Нурмухаммад Валиев. — Ота-боларимиз касбини ўрганиб, уни давом эттираётганимдан бахтиёрман. Биз қадимги анъаналар асосида ипак, пахта ва жун хом ашёсидан 40 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар тайёрлаб келмоқдамиз. Уларга эндиликда хоржиликлар ҳам буюртма беришяпти. Марғилон атласу шойилари халқро мода оламида ҳам ўз эътиборини топиб, турли коллекцияларда улар асосида тайёрланган бежирим кийим-кечаклар намойиш этилаётгани, албатта, қувонарли. Халқро бахшичилик санъати фестивали биз, хунармандлар учун ўзаро тажриба алмашиш, ил-ғор анъаналарни ўлаштириш ва миллий қадриятларимизни чет элликлар эътиборига ҳавола этишимизга имкон бераётди.



Бухоро — кўхна Шарқнинг гавҳари. Бу замин тарихи қанчалар буюк бўлса, бугунги ҳам шунчалар гўзал ва мафтункордир. Фестивалда мазкур вилоят вакиллари ҳам муаззам тарих ҳамда ўлмас маданий мерос ва миллий қадриятларни йиғилган-

ларга намойиш қилишяпти. Бухоро ширинликларю пазандачилик маҳсулотлари, хунармандчиликнинг заргарлик, мискарлик, каштачилик, зардўзлик, дурдгорлик каби 20 га яқин турлари бўйича ташкил этилган кўргазмалар, бадий жамоаларнинг дилтортар куй-қўшиқлари ташриф буюрувчиларда Бухоро ва бухороликлар ҳақида бой таассурот уйғотаётди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Халқро бахшичилик санъати фестивалининг ижодий танловларида дунёнинг кўплаб давлатларида халқ оғзаки ижоди ижрочилари иштирок этапти. Уларнинг чиқишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб берилмоқда.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»)

Сўз — фестиваль иштирокчиларига

«Жаҳон маданиятининг нодир дурдоналарини асраб-авайлаш учун биргаликда ҳаракат қилишимиз керак»

Термиз шаҳрида бўлиб ўтаётган Халқро бахшичилик санъати фестивали хоржилик меҳмонларда, юртдошларимизда катта таассурот уйғотмоқда. Буни улардан айримларининг куйидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиб олиш мумкин.



Агус Сетаван БАСУНИ, «Warta Jazz» интернет наشري муҳаррири (Индонезия):

— Бетакорр ўзбекистонга биринчи марта ташриф буюрдим. Серкўёш заминингиз, меҳмондўст халқингиз менда ёрқин таассурот қолдирди. Бахшичилик фестивали ҳам ажойиб ўтмоқда. Ўзбек халқ достонларини ва термизлик тинглаш баробарида, ташкил этилган

павильонларда юртингизнинг турли ҳудудларига оид маданият ҳамда қадриятлар билан яқиндан танишяпмиз. Уларни ўзбек халқининг асрларга тенг тарихи билан боғлиқ ўзига хос овози, дейиш мумкин. Санъат байрами давомида биз археологик ва маданий ёдгорликлар та-

рихидан хабардор бўлиб, Сурхондарёнинг қадимий цивилизация шакланган марказларидан бири эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Келгусида ўз интернет нашримизда ўзбек халқ фольклори, урф-одатлари ва маросимлари ҳақида туркум материаллар берамиз.

Инг-Ёнг О, фольклоршунос олим, фан доктори (Корея Республикаси):

— Бир неча йил давомида Ўзбекистонда, хусусан, Бойсунда илмий тадқиқотлар олиб боришга тўғри келган. Ўша пайтларда «Алпомиш» достонини эшитиб, ҳайратга тушганман. Фаолият давомида Ўзбекистонда халқ оғзаки ижоди ва фольклор санъати чуқур сақланиб келинаётганига амин бўлдим. Юртингизда бу йўналишда бой илмий мерос мавжуд бўлиб, унинг ижрочилари ҳам кўплаб топилади. Дунёда бундай хусусиятга эга давлатлар кам. Шу жиҳатдан фестиваль доирасидаги анжуманда иштирокчилар бахшичилик санъати ҳақида, бу йўналишда давлат томонидан қилинаётган изчил савй-ҳаракатлар хусусида батафсил маълумотлар олишди.



Халқ оғзаки ижоди анъаналари Жанубий Кореяда ҳам сақлиб келинмоқда. Масалан, худди «Алпомиш» достонига ўхшаш бизда «Жумонг» эпоси бор. Улардаги қаҳрамонлар ватанпарварлиги, ўз халқининг анъаналарига, маънавий қадриятларига содиқлиги билан жуда ўхшаш. Ўтмишнинг бундай бетакорр асарларини чуқур ўрганиш бугунги замонасиз олимларининг асосий вазифасидир.

Хуан Антонио ВАСКЕС, журналист (Испания):

— Ўзбекистонда Халқро бахшичилик санъати фестивали ўтказилиши ҳақида интернет орқали хабар топдим ва ҳеч иккинчи, юртингиз томон йўл ол-

Жозибали, халқона санъат намунаси — бахшичиликни асраб-авайлашга катта эътибор қаратилганлиги қатъият билан айтмоқда. Испанияда ҳам турли санъат фестиваллари ўтказилди. Уларнинг бир-бирини фарқли жиҳатлари кўп. Юртингизда уюштирилган тадбирга давлат ва ҳукумат раҳбарининг бевосита қатнашиши, ЮНЕСКО, АЙСЕКО каби халқро ташкилотлар ҳамда турли дипломатик доиралар вакиллари иштироки санъат анжуманининг юксак нуфузидан далолат беради. Фестивалга яхши тайёргарлик кўрилибди. Жараёнларда миллийлик уфуриб турибди. Барчаси — бетакорр, эзуғликка ундовчи қадриятдир. Одамлар кайфиятига аҳомаханг чор-атрофдаги гўзаллик дилларга сурур, қувонч ва шодлик бахш этмоқда.



дим. Қадимий бахшичилик санъати анжуманига қатнашиш асосида Ўзбекистон, унинг ўлмас санъати ва маданий бойликлари тўғрисида қimmatли маълумотлар билан танишдим.

«Халқ сўзи»

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

Жан МУСИ, Швейцария ва Лихтенштейн хориж матбуоти ассоциацияси президенти:

— Фестиваль асосида Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлдик. Юртингизда, айниқса, миллий ўзликни англаш, умумбаشارий маданиятнинг узвий қисми бўлган қадимий анъана ва урф-одатларни асраш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилар экан. Халқро бахшичилик анжумани бунинг ёрқин ифодаси, деб ўйлайман.

Кизгин, катта шоду хуррамлик билан ўтказилган фестивалнинг очилиш маросими, очиги, биз кутмаган янгиларга бой бўлди. Давлатингиз раҳбарининг санъат байрами муносабати билан сўзлаган нутқидан жуда таъсирландик. Шавкат Мирзиёев, жумладан, шундай деди: «Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда

ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди». Нақадар ҳаётий ва бугунги кун учун долзарб фикрлар. Ҳақиқатан ҳам, жаҳон маданиятининг нодир дурдоналарини асраб-авайлашда бирлашишимиз, жипслашишимиз керак.

Халқ оғзаки ижодида жуда қизиққан. Уларда оҳанг,



дард, кишига руҳий қувват берувчи куч мужассам. Лапару достонларни, айтимларни жонли тинглаганимдан қувончим чексиз.

Майсара РАҲИМОВА, бахши (Ўзбекистон):

— Халқро бахшичилик санъати фестивалида юртимиздан иштирок этаётган ягона бахши аёл эканлигим қалбимга гурур-ифтихор бахш этиши билан бирга, зиммамга катта масъулият ҳам оқламоқда. Халқ достонларининг сехри, жозибаси болаликдан бахшичилик санъати ва дўмбиранинг жўшқин овозига меҳр қўйиб улғайишимга сабаб бўлди. Авваллари тўй-байрамлар, кейинчалик кичик танловларда бахшиёна кўшиқлар айтиб, устозлар назарига тушдим.

Элимизнинг рағбат ва эътиборидан руҳланиб, халқ достон-

ларини кунт билан ўрганишга киришдим. Бу борада Ўзбекистон халқ бахшилари Шоберди бахши Болтаев ҳамда Шодмон бахши Хўжамбердиев менга яқиндан кўмак бериб келишмоқда. Хозир Термиз давлат университетига педагогика факультетига мусикий таълим йўналишида тахсил олиш баробарида, университет қошидаги «Жайхун» халқ ансамбли қатнашчисиман. Ўтказилаётган нуфузли анжуманда муносиб қатнашиш ва совриндорлар қаторидан жой олиш учун астойдил бел боғланман.



DOOSAN

«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28. E-mail: doosansales@uztow.com

Махсулотлар сертификатланган.

РЕКЛАМАЛАР

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади. Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 400 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 600 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 200 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005, 6005, 8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м.

Тел.: 95-197-00-93, 90-996-96-63, 99-871-88-99.

Махсулотлар сертификатланган.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЗМАЛАР тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг сўзга берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаъобгар.

Гезета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова. Навбатчи — Ш. Гаффоров. Мусахҳиш — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6